

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА КУНГАБОҚАР ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ

Исаков.К.Т қ.х.ф.н., к.и.х.

Умурзакова.К.У. Таянч докторанти(ПхД)

Лалмикор деҳқончилк илмий-тадқиқот институти

Аннотатсия Ушбу мақолада Кунгабоқар (Хелиантхус аннуус Л.) — мойли экинлар ичида муҳим ўрин тутуши, юқори ҳосилдор ва иқтисодий жиҳатдан самарали қишлоқ хўжалиги экини ундан олинадиган мой озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилиши, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришида агротехник тадбирлар муҳим бўлиб, улар орасида тўғри экиш схемасини танлаш алоҳида аҳамият касб этиши, экиш схемасининг назарий ва амалий асослари ёритилган.

Калит сўзлар: кунгабоқар, экиш схемаси, ўсимлик зичлиги, қатор оралиги, агротехника, ҳосилдорлик, ўсимлигини экиш схемасининг назарий ва амалий асослари.

Кириш. Деҳқончиликда қўлланиладиган ҳар қандай фан ютуқлари ва илгór тажрибаларга асосланган ҳолда барча агротехнологик тадбир ўсимлик ҳосилдорлигини ва ҳосил сифатини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалик экинлари жумладан кунгабоқар кулай экиш муддати ва мақбул озиқланиш майдонида етиштирилганда ундан сифатли ва юқори ҳосил олинади. Кунгабоқар дунёда кенг тарқалган мойли экинлардан бири бўлиб, уруғи таркибида 45–55% гача мой мавжуд.

Кунгабоқар ёруғсевар ва иссиқсевар ўсимлик ҳисобланади. Вегетатсия даврида оптимал ҳарорат 20–25°C атрофида бўлади. Тупроқ ҳарорати 8–10°C га етганда уруғлар униб чиқади. Ўсимликнинг илдиз тизими кучли ривожланган бўлиб, 2–3 метр чуқурликкача кириб боради. Шу сабабли озиқланиш майдонининг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўсимлик оралиғи қалин бўлса, қуйидаги ҳолатлар кузатилади: саватча майдалашади, 1000 дона уруғ вазни камаяди, мойлилик даражаси пасаяди, кам зичликда эса ер майдонидан самарали фойдаланилмайди.

Экиш услублари. Экиш схемаси кунгабоқар ўсимликлари орасидаги масофани белгилаб, уларнинг табиий ресурслардан – куёш нури, ҳаво ва тупроқдаги озиқа моддаларидан тенг фойдаланишини таъминлайди. Барглар ва илдизлар тўғри ривожланиши ҳосил сифатини оширади ва ўсимликлар ўртасидаги рақобатни камайтиради. Самарали экиш схемаси бир майдон бирлиги учун ҳосилни оширади.

Ўсимликлар ўз ресурсларини тенг ва тўғри ишлатгани учун ҳар бир ўсимлик максимал ривожланади, натижада умумий ҳосил кўпаяди.

Кунгабоқар асосан қатор оралари 60, 70, 90 см қилиб экилади. Экиш СУПН-8, СКПП-12, СПЧ-6М сеялкаларида бажарилади. Уруғлар пунктирлаб экилганда оптимал озикланиш майдонини ҳосил қилиш осонлашади. Суғориладиган ерларда кунгабоқарнинг туп қалинлиги 55-60 минг/га бўлиши оптимал ҳисобланади. Анғизга экилган паст бўйли (бўйи 0,8-1,2 м) эрта пишар навлар 75-85 минг/га қалинликда экилиши яхши натижа беради.

Мойли кунгабоқарни экиш меъёри гектарига 5-10 кг, силос учун экиладиган навлариники 35-40 кг, экиш чуқурлиги 6-7 см, енгил тупроқларда 8-10 см ни ташкил қилади.

Тўғри экилган кунгабоқар ўсимликларида ҳаво айланиши яхшиланади, қуёш нурлари етарли бўлади. Бу чириш, кўзикорин ва бошқа касалликларнинг тарқалишини камайтиради. Шу билан бирга, зараркунандалар ўсимликлар орасида тез кўпая олмайди. Схема илдизларнинг сиқилмасдан ривожланишига ёрдам беради ва тупроқдаги намлик ҳамда озиқа моддаларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Бу эса ўсимликнинг соғлом ва барқарор ўсишини кафолатлайди.

Илмий тажрибалар натижаларига кўра лалмикор майдонларга кунгабоқар экиш учун қуйидаги экиш схемаси тавсия этилади:

Қатор оралиғи 60- см, Ўсимлик оралиғи: 25–30 см, Ўсимлик сони: 55–65 минг туп ўсимлик (га).

Суғориладиган ерларда оптимал зичлик 55–60 минг туп/га, 6-8 см экиш чуқурлиги, лалми шароитда эса 40–45 минг туп/га 4-5см экиш чуқурлиги белгиланади. Амалиётда 70 × 25 см схема кўпроқ самарали деб топилган.

Экиш схемаси билан биргаликда кунгабоқарнинг ҳосилдорлигини оширишда кунгабоқар гуллаганда асалари уяларини экинзор яқинига жойлаштириш пуч уруғлар ҳосил бўлишини кескин камайтиради. Асалари уяларини экинзорга жойлаштириш гектарга уруғ ҳосилини 1-1,5 центнерга оширади.

Хулоса Қисқача хулоса қилинганда экиш схемаси ва озикланиш майдони кунгабоқар навларини ҳосилига жуда катта таъсир кўрсатади, фотосинтез самарадорлигини оширади, озиқа ва намликдан оқилона фойдаланишни таъминлайди, ҳосилдорлик ва мойлилик даражасини яхшилади, сифатли ва юқори ҳосил олиниш имконияти бўлади. Оптимал қатор оралиғи ва ўсимлик зичлигини танлаш агроиклим шароити ҳамда тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда белгиланади. Лалми майдонларда илмий асосланган агротехник тадбирлар қўлланилганда юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар

1. Азизов Т.Б. Анорбойев И.У. Кунгабоқардан мўл ҳосил етиштириш бўйича тавсиялар// Тошкент/ 2008 йил/ 16-59 б
2. Аманова А.Е., Рустамов А.С., Кунгабоқарнинг сермойли навлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали № 5. 2004.
3. Ёрматова Д. Хушвақтова Ҳ. Мойли экинлар Тошкент 2009 й 94-98 б.
4. Ёрматова Д. «Соя» Мехнат. Т. 1989 . 121 б
5. Луков М.К Туракулов О. Х. Повышение урожайности раннеспелых сортов подсолнечника при помощи дополнительного опыления //Актуальные проблемы современной науки № 6 (135) Россия. 2023-С. 82-90 (06.00.00 № 5)
6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги. Мойли экинларни етиштириш бўйича услубий қўлланма. Тошкент, 2020.

